

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 43-44-сон  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (231-232)  
ТЎПЛАМИ 2006 й.  
октябрь-  
ноябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

## **МУНДАРИЖА**

### *Иккинчи бўлим*

424. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 октябрдаги ПФ–3811-сон Фармони
425. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 октябрдаги ПҚ–496-сон қарори
426. «Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмига нисбатан Махсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш тартиби ва механизми ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 октябрдаги ПҚ–498-сон қарори
427. «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойихалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ–499-сон қарори

## Учинчи бўлим

428. «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарори
429. «Автомобиль бензини сотиб олиш бўйича илгари берилган имтиёзлар ўрнига шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсациялари тўловлари жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 октябрдаги 223-сон қарори
430. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинган «Микромолиялаш тўғрисида»ги ЎРҚ–50-сонли Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 октябрдаги 225-сон қарори

## Бешинчи бўлим

431. «Бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш бўйича вақтинчалик қодаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 18 октябрдаги 89-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 октябрда 1600-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
432. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ–3808-сонли «2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2006 йил 26 октябрдаги М-1, 93-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 27 октябрда 1632-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
433. «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 25 сентябрдаги 83, 01/12-18/02, 2006-42-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 27 октябрда 1121-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
434. «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартибида рўйхатга олувчи органлар ва давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2006 йил 29 сентябрдаги 2006-40, 6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 31 октябрда 1633-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

435. «Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 1 августдаги ЭГ-01/10-4091, 3, 70, 01-02/12-11-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 31 октябрда 1634-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
436. «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 31 октябрда 1635-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
437. «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 7 июлдаги 2, 276-В-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 ноябрда 1636-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
438. «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 2 октябрдаги 86, 11, 1072-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 3 ноябрда 1566-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 21 октябрдан 3 ноябргача бўлган маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**424 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш ва коммунал хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 17 августдаги ПҚ-445-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматни бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида» 2000 йил 19 декабрдаги ПФ-2791-сонли Фармони 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли қарорига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

6-банддаги «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари «Ўзтрансгаз» АК минтақалараро унитар корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-1-иловада «товар номлари» жадвалидаги 16-позицияда «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ХГТК» сўзлари «Ўзтрансгаз» АК минтақалараро унитар корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати (Ф.Х. Отахонов) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 октябрь,  
ПФ-3811-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**425 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида**

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:  
2006 йил 2 майда Исломобод шаҳрида имзоланган (Покистон Ислом Республикаси):

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида Кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартномаларни кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосарлари ва тегишли вазирлик, идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 20 октябрь,  
ПҚ-496-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**426 Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмига нисбатан Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш тартиби ва механизми ҳақида**

2006 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК таркибидаги инвесторлар Консорциуми, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «Лукойл Оверсиз Холдинг Лтд.» (Россия), «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» (Малайзия) ва «Си-Эн-Пи-Си Интернешнл Лтд» (ХХР) компаниялари томонидан Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмига нисбатан Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмига нисбатан

Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида маълумот учун қабул қилинсин:

лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун «Лукойл Оверсиз Холдинг Лтд.» (Россия) ва Корея Миллий Нефть Корпорацияси Битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла ҳажмда тегишли равишда «Лукойл Оверсиз Арал Лтд.» ва «КННК Арал Лтд.» шўъба компанияларига топширишди;

инвесторлар Консорциуми иштирокчилари икки ой муддатда инвесторлар консорциуми доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ҳамкорликдаги фаолият тўғрисидаги битимни имзолайдилар;

қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг даромадли маҳсулотидаги улушини сотиш маркетинг компанияси томонидан биргаликда сотиш принципи асосида амалга оширилади;

ўрнатилган тартибга қўра, қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотни сотишдан тушган пул маблағлари (компенсация маҳсулотлари ва инвесторнинг даромадли маҳсулотдаги улуши қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси пул ўтказмаларини амалга оширишда банк комиссиялари сифатида ушланадиган маблағлар) Битим шартларига мувофиқ уларнинг кейинги тақсимланиши учун маркетинг компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкда очиладиган ҳисоб рақамига тўлиқ ҳажмда жамланади;

инвесторлар Консорциуми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нефтгаз операцияларини амалга оширишда жалб этилган барча оператор ишчилари таркибида 80 фоиздан кам бўлмаган миқдорда республика фуқаролари иштирокини таъминлаш мажбуриятини олади.

## 2. Белгилансинки:

солиқ солиш режими, шу жумладан божхона тўловларини тўлаш Битимда назарда тутилган шартлар асосида амалга оширилади ва амалдаги муддати давомида ўз кучини сақлаб қолади;

оператор ва маркетинг компаниясига уларга Битимни амалга ошириш доирасида берилган имтиёзлар ва преференциялар татбиқ этилади;

инвесторлар Консорциуми Ўзбекистон Республикаси олдида ўз шахсий фаолияти сингари оператор ва маркетинг компанияси фаолияти учун мулкый жавобгардир;

операторга Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — пудратчи ташкилотлари томонидан Битимни амалга ошириш доирасида етказиб берилган товарлар ва бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) учун ҳисоб-китоблар ва тўловлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш ҳуқуқи берилган;

Ўзбекистон резидентлари ҳисобланадиган оператор пудратчилари (етказиб берувчилари) Битимни амалга ошириш бўйича операциялар доирасида уларнинг ҳисоб рақамига тушадиган валюта маблағларининг улар томонидан Битимни амалга ошириш мақсадида импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати ҳажмига камайтирилган қисмидан мажбурий сотишни амалга оширадилар;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкида очилган маркетинг компаниясининг ҳисоб рақамига тушадиган хорижий валютадаги маблағлар валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан озод этилади;

«Ўзбекнефтгаз» МХК ўз харажатларини қоплаш ва инвесторлар Консорциумининг даромадли маҳсулоти улуши учун оладиган валюта маблағлари валюта тушумининг бир қисмини қонунчиликда белгиланган тартибда навбатдаги мажбурий сотилиши билан маркетинг компанияси томонидан унинг хорижий банкдаги маҳсус ҳисоб рақамидан «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкида очилган ҳисоб рақамига ўтказилади;

операторлар томонидан Битимда назарда тутилган қўринишлар бўйича мажбурий тартибда суғурталаш амалга оширилади;

Битимнинг Бошқарув қўмитаси таркиби Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплекси, металлургия, машинасозлик ва кимё масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги вакиллари киритади.

3. «Ўзбекнефтгаз» МХКга зарур бўлган ҳолатда, оператор талаби бўйича, Битимни амалга ошириш доирасида нефтгаз операцияларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги операторнинг Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкида очилган ҳисоб рақамига унинг инвесторлар Консорциумидаги улуши чегарасида хорижий валютада пул маблағларини ўтказишга рухсат берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг резидент банклари билан корреспондентлик муносабатларига эга бўлган Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги биринчи даражали банкларда хорижий валютадаги ҳисоб рақамларини очишга рухсатнома берсин:

операторга — битимни амалга ошириш доирасида фақатгина нефтгаз операцияларини юритиш мақсадида;

маркетинг компаниясига — битим доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан келиб тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш учун.

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги:

Битим бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан жавобгар республика давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминласин.

Битимда назарда тутилган тартибда инвесторлар мажбурияти ва жадвалдаги ишлар бажарилиши таъминлансин;

Битимни амалга оширишда ваколатли орган вазифасини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 сентябрдаги 428-сонли қарорининг 6-бандига асосан ташкил қилинган Битимни амалга ошириш бўйича гуруҳ сонининг штат жадвали иловага мувофиқ 4 бирликка оширилсин, унга Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига нисбатан Маҳсулотни тақсимлаш битимини амалга ошириш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш юклансин.

Белгилансинки, битимни амалга ошириш бўйича гуруҳни молиялаш, қўшимча киритиладиган бирликларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 сентябрдаги 428-сонли қарорининг 8-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда икки ой муддатда битимни амалга ошириш доирасида оператор томонидан товарларни олиб кириш ва олиб чиқишни расмийлаштириш бўйича божхона тартибини тасдиқласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши битимда қўрсатилган муддат давомида нефтгаз операцияларини ўтказиш учун белгиланган тартибда ер майдонлари ажратиб беришни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси билан биргаликда

белгиланган тартибда операторга ер усти ва ер ости сув манбаларидан фойдаланиш бўйича етарли ҳажмда лимит ажратсин.

9. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги белгиланган тартибда битимни амалга ошириш доирасида операторга, пудратчига ва субпудратчига радио-электрон воситалар ва юқори частотали ускуналардан фойдаланиш учун рухсатнома берсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги оператор талабномасига кўра, ваколатли орган тасдиғи билан белгиланган тартибда Битимни амалга оширишда қатнашаётган хорижий мутахассисларга визалар ва шу жумладан кўп марталик визалар расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижий инвесторлар ёки оператор талабномасига кўра, Битимни амалга оширишда қатнашаётган хорижий мутахассислар учун белгиланган тартибда кўп марталик визалар муддатини узайтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказишни ва унинг муддатини узайтиришни таъминласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги белгиланган тартибда оператор ва маркетинг компаниясига Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучини жалб этишга шунингдек, уларнинг талабномаларига кўра, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти олиб бориш учун тасдиқнома бериш(узайтириш)ни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги истисно тариқасида, Битим доирасида ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхати зарур бўлган маҳсус товарларни олиб кириш учун (вақтинча олиб киришни ҳисобга олган ҳолда) ўз вақтида лицензиялар беришни таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 октябрь,  
ПҚ-498-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**427 Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек Республика йўл фонди ҳисобидан йўл тармоғининг эксплуатация қилиш ва пудратчи ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришни мақбуллаштириш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

Умумий фойдаланиладиган йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондининг янгиланган низоми 2-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фонди даромадлари шаклланиши ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги янгиланган низом 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фонди «Ўзавтойўл» ДАК, Давархитектқурилиш ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматлари билан биргаликда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилишнинг белгиланган тартибига қатъий амал қилинишини, кўрсатилган мақсадларга ажратилган маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика йўл фондининг автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилишга ажратилган маблағларидан мақсадли ва оқилона сарфланиш устидан қатъий назорат ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сонли қарорининг 7-бандидаги 2, 3 ва 5-хатбошилари ҳамда мазкур қарорнинг 5, 6 ва 8-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 октябрь,  
ПҚ-499-сон

\* 1—3-илова рус тилидаги матнда берилган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 428 Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2006 йил 12 октябрдаги ПФ-3808-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бошланғич разряднинг ойига 12420 сўм миқдорига белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи тариф ставкаси Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) 2-иловага мувофиқ тахрирда баён қилинсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги 120-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу қарор 2006 йил 1 ноябрдан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 26 октябрь,  
218-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси

Мехнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1,000
1	2,377
2	2,616
3	2,878
4	3,165

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
5	3,467
6	3,783
7	4,112
8	4,454
9	4,797
10	5,147
11	5,503
12	5,870
13	6,242
14	6,617
15	7,000
16	7,388
17	7,781
18	8,180
19	8,585
20	8,995
21	9,411
22	9,830

+

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига  
2-ИЛОВА

-

«Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва  
фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф  
сеткаси**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
1	3,022
2	3,325
3	3,656
4	4,023
5	4,424
6	4,867
7	5,354
8	5,943
9	6,597
10	7,323
11	8,054»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**429 Автомобиль бензини сотиб олиш бўйича илгари берилган имтиёзлар ўрнига шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсациялари тўловлари жорий этиш тўғрисида**

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ шахсларнинг айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль бензинига чакана нархларнинг ўзгариши тўғрисида» 2006 йил 30 июндаги 127-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2006 йил 1 ноябрдан бошлаб автомобиль бензини сотиб олиш бўйича илгари берилган имтиёзлар ўрнига шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсациялари тўловлари жорий этилсин.

2. Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси суммаси 10 500 (ўн минг беш юз) сўм миқдоридан белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин ва баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 30 октябрь,  
223-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 30 октябрдаги 223-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ****I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом автомобиль бензини сотиб олишга харажатларнинг бир қисми учун ойлик пул компенсацияси олиш (кейинги ўринларда «ойлик пул компенсацияси» деб юритилади) ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасини белгилайди ва уларга бундай компенсация тўлаш тартибини тартибга солади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

2. Ойлик пул компенсациялари тўлаш автомобиль бензини сотиб олиш бўйича илгари берилган имтиёзлар ўрнига 2006 йил 1 ноябрдан бошлаб жорий этилади.

3. Қуйидагилар ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эгадир:

уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ;

уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахслар мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ;

меҳнатда майиб бўлиш ва касб касаллиги туфайли I ва II гуруҳ ногиронлар;

I ва II гуруҳ болаликдан ногиронлар.

## **II. Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун ойлик пул компенсацияси тўловини тайинлаш**

4. Ойлик пул компенсацияси тўлови уни олиш ҳуқуқига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, енгил автомобиль, мотоаравача ёки мотоциклга эга бўлган (кейинги ўринларда «автомототранспорт воситаси» деб юрилади) ва улардан фойдаланадиган шахсларга тайинланади.

5. Автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ишончнома бўйича бошқа шахсга берилганда ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқи йўқолади.

6. Мазкур Низомнинг 5-бандининг амал қилиши, башарти соғлигининг ҳолати бўйича автоматотранспорт ҳайдаш тўғри келмайдиган Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари билан доимий равишда бирга яшайдиган, у билан бирга бир турар жой майдонида рўйхатдан ўтган оила аъзолари автоматотранспортни ишончнома бўйича ҳайдаган тақдирда уларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бунда ойлик пул компенсацияси тўлаш фақат ишончноманинг амал қилиш муддатига тайинланади.

7. Ойлик пул компенсацияси тўловини тайинлаш учун бунга ҳуқуқи бўлган шахс пенсиялар ва нафақаларни тайинлайдиган органларга (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси органлари) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

ариза;

ариза берувчининг паспорти нусхаси;

имтиёзга бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги гувоҳномалар нусхалари (уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар учун);

Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг маълумотномалари нусхалари (меҳнатда майиб бўлиш, касб касаллиги туфайли ногиронлар ва болаликдан ногиронлар учун);

ариза берувчига тегишли бўлган автоматотранспорт воситаси техник паспортининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларида даврий техник кўрикдан ўтганлиги тўғрисида белги қўйилган техник паспорти нусхаси;

автомототранспорт воситаси эгасининг ҳайдовчилик гувоҳномаси нусхаси ёки Иккинчи жаҳон уруши ногирони билан доимий бирга яшайдиган ва у билан бир турар жой майдонида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг ҳайдовчилик гувоҳномаси, паспорти нусхалари ва у томонидан автоматотранспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқига ишончнома.

8. Ойлик пул компенсациясини тўлаш барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда муурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади.

9. Барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилгандан кейин ойлик пул компенсацияси тўловини тайинлаш тўғрисидаги масала 5 иш кунни мобайнида кўриб чиқилади.

Бунда ойлик пул компенсацияси тўғрисидаги ижобий қарор ойлик пул компенсациясини тайинлайдиган органнинг (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси органлари) фармойиши билан қабул қилинади.

10. Ойлик пул компенсацияси тўловини тайинлаш рад этилган тақдирда ойлик пул компенсациясини тайинлайдиган органлар тегишли қарор қабул қилингандан кейин 3 иш кунда тегишли қарорни ариза берувчининг қўлига беради ёки унга рад этиш тўғрисида почта билдиришномасини жўнатади (рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда) ва айни бир вақтда барча ҳужжатларни қайтаради.

11. Ойлик пул компенсациясини тайинлайдиган органлар томонидан ойлик пул компенсацияси тўловни тайинлаш рад этилиши тўғрисидаги қарор:

ариза берувчининг мақоми ойлик пул компенсациясини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси мақомига мувофиқ бўлмаганда;

фойдаланилаётган автомобилотранспорт воситаси типи енгил автомобиль, мото-аравача ва мотоциклга мувофиқ бўлмаганда;

автомобилотранспорт даврий давлат техник кўригидан ўтказилмаганда;

мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда қабул қилиниши мумкин.

12. Ойлик пул компенсацияси тўловини тайинлаш рад этилиши учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда ариза берувчи такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ойлик пул компенсациясини тайинлайдиган орган томонидан ариза берувчига ёзма шаклда илгари баён қилинган эътирозлар тақдим этилишига йўл қўйилмайди, уларнинг баратараф этилишини тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан боғлиқ эътирозларни тақдим этиш бундан мустасно.

13. Ойлик пул компенсацияси тўлови суммасининг миқдори жисмоний шахслардан ёнилғи истеъмоли учун олинадиган солиқ ҳисобга олинмаган ҳолда чакана савдодаги автомобиль бензини (чакана савдода энг кўп тарқалган) муайян маркасининг қирқ литри қийматининг эллик фоизидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланади.

### III. Ойлик пул компенсацияси тўловини амалга ошириш

14. Ойлик пул компенсацияси тўлови кўрсатиб ўтилган шахсларнинг яшаш жойи бўйича пенсиялар ва нафақаларни тайинлайдиган органлар томонидан пенсиялар ва нафақаларни тўлаш учун белгиланган муддатларда, алоҳида қайдномалар бўйича алоқа бўлими ёки банкларнинг бўлимлари орқали амалга оширилади.

15. Автомобилотранспортнинг даврий давлат техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисида техник паспортда тегишли белги мавжуд бўлмаган тақдирда ойлик пул компенсацияси тўлаш ойлик пул компенсация тўловини тайинлайдиган органлар томонидан тўхтатиб қўйилади.

Ойлик пул компенсацияси тўлаш автомобилотранспорт эгаси томонидан ариза берилган ва даврий давлат техник кўриқдан ўтганлик тўғрисида техник паспортда белги қўйилган пайтдан бошлаб тикланади.

Ойлик пул компенсацияси тўлови тайинланган автомобилотранспорт воситаси

эгалари ойлик пул компенсацияси тўловини тайинлайдиган органларни даврий давлат техник кўригидан ўтилгандан кейин 10 кун мобайнида хабардор қилиши шарт.

Агар даврий техник кўрикдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжат икки ҳафтадан ортиқ кечикиб тақдим этилган тақдирда тегишли давр учун ойлик пул компенсацияси тўланмайди.

16. Автомототранспорт воситаси эгаси ойлик пул компенсация тўловини тайинлайдиган органга:

яшаш жойи ўзгарганлиги;

автомототранспорт воситаси сотилганлиги;

йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги учун хайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилганлиги ҳолатлари тўғрисида хабар бериши шарт.

Ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эга бўлган автоматотранспорт воситаси эгаси вафот этган тақдирда тегишли билдиришнома унинг қариндошлари томонидан тақдим этилиши керак.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатларда компенсация тўлаш тўхтатилади.

Кўрсатиб ўтилган ахборотни яширган ва ойлик пул компенсациясини ноқонуний олган автоматотранспорт воситаси эгасидан тегишли сумма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади.

17. Агар ойлик пул компенсациясини асосланмаган тўлаш ойлик пул компенсациясини тайинлайдиган ёки тўлайдиган органнинг ходими айби билан юз берган тақдирда ушбу пул маблағлари айбдор шахснинг ҳисобига қопланади.

18. Ойлик пул компенсациясини тўлайдиган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари, ҳар ойда, 10-кундан кечикмай «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компаниясининг унитар корхоналарига (нефть базаларига) нефть базалари томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳудудлар бўйича, ойлик пул компенсациясини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сонини кўрсатган ҳолда кейинги ойга ойлик пул компенсациялари суммасини тўлаш учун молиявий маблағлар ҳажмида (компенсациялар етказиб берилиши учун алоқа бўлимлари ёки банкларнинг бўлимлари харажатлари ҳисобга олинган ҳолда) ҳисоб-китоблар билан асосланган эҳтиёжга бўлган буюртманомани тақдим этадилар.

19. «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компаниясининг унитар корхоналари (нефть базалари) ҳар ойда 27-кундан кечикмай ойлик пул компенсацияси тўлайдиган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмаларининг банк ҳисоб рақамларига ойлик пул компенсацияси тўлаш учун молиявий маблағларнинг зарур миқдорини ўтказадилар.

20. Ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар реестри ойлик пул компенсацияси тўлайдиган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади ва икки ҳафта мобайнида ҳар бир календарь йил чорагининг 1-куни ҳолати бўйича «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компаниясининг унитар корхоналарига (нефть базаларига) тақдим этилади.

21. Ойлик пул компенсацияси тўлайдиган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар реестрларини топшириш билан бир вақтда «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компаниясининг унитар корхоналарига (нефть базаларига) олдинги йил чораги учун амалда тўланган тўловлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

22. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### **Ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эга бўлган уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар тоифалари**

Иккинчи жаҳон уруши, бошқа урушлар даврида, шунингдек Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эга бўлган уруш қатнашчилари ҳисобланади.

Қуйидаги шахслар уруш қатнашчиларига тенглаштирилади:

а) 1941 йил 22 июндан 1954 йил 31 декабргача бўлган даврда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилиш отрядлари таркибида собиқ СССР ҳудудида жангларда қатнашган шахслар;

б) Иккинчи жаҳон уруши йилларида партизан отрядларида ва қўшилмаларида бўлган ёхуд яширин ишлар билан шуғулланган шахслар;

в) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаракатдаги армия таркибида ёки ҳарбий ҳаракатлар минтақаларида хизматни ўтаган собиқ СССРнинг Ички ишлар вазирлиги органлари ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси органларининг бошлиқлар ва оддий аскарлар таркибига қирувчи шахслар;

г) Иккинчи жаҳон уруши даврида балоғат ёшига етгунга қадар полк ўғли ёки кичик матрос сифатида ҳаракатдаги армия ва флотнинг қисмлари ва тузилмалари таркибида бўлган шахслар;

д) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий ҳаракатлар минтақаларида темир йўлларнинг фронт яқинида жойлашган участкаларида, мудофаа чизиғи иншоотларида, ҳарбий-денгиз базаларида, аэродромларда ва бошқа ҳарбий объектлардаги ишларда қатнашган ишчилар;

е) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаракатдаги армия таркибида ишлаган эркин ёлланганлар таркибидан бўлган шахслар;

ж) 1956 йил 24 октябрдан 1956 йил 10 ноябргача бўлган даврда Венгриядаги жанговар ҳаракатлар даврида ушбу мамлакат ҳудудида бўлган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар.

Автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### **Ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эга бўлган уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар тоифалари**

Иккинчи жаҳон уруши, бошқа урушлар даврида, шунингдек Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўташда ярадор, майиб бўлиш, контузияга учраш ёки касал бўлиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар ойлик пул компенсациясини олиш ҳуқуқига эга бўлган уруш ногиронлари ҳисобланади.

Қуйидаги шахслар уруш ногиронларига тенглаштирилади:

а) собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикаси чегараларини ҳимоя қилишда ярадор, майиб бўлиш, контузияга учраш ёки касал бўлиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар;

б) 1941 йил 22 июндан 1954 йил 31 декабргача бўлган даврда собиқ СССР ҳудудида ҳаракат қилган қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилиш отрядларида бўлган даврда ярадор, майиб бўлиш, контузияга учраш ёки касал бўлиш сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;

в) фронт яқинида жойлашган темир йўл участкалари, мудофаа чизиғи иншоотлари, ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ва бошқа ҳарбий объектлардаги ишларда қатнашган ҳамда Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий ҳаракатлар минтақаларида ярадор, майиб бўлиш, контузияга учраш ёки касал бўлиш сабабли ногирон бўлиб қолган ходимлар;

г) Иккинчи жаҳон уруши йилларида партизан отрядлари ва қўшилмаларида ёхуд яширин ишларда бўлиш даврида ярадор, майиб бўлиш, контузияга учраш ёки касал бўлиш оқибатида ногирон бўлиб қолган шахслар;

д) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаракатдаги армия таркибида ишлаган даврда ярадор, майиб бўлиш, контузияга учраш ёки касал бўлиш оқибатида ногирон бўлиб қолган эркин ёлланганлар таркибига кирган шахслар;

е) ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий аскарлар таркибига кирадиган, жанговар ҳаракатлар олиб борилган мамлакатларда тинчлик ўрнатиш кучларида қатнашиш ҳамда байналмилал бурчни бажариш билан боғлиқ ярадор, майиб бўлиш, контузияга учраш ёки касал бўлиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилари;

ж) ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизматининг бошлиқлар ва оддий аскарлар таркибига кирадиган, ҳарбий хизмат мажбуриятини бажариш (хизмат вазифасини ўташ) билан боғлиқ ярадор, майиб бўлиш, контузияга учраш ёки касал бўлиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилари;

з) ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳамда ушбу йиғинларни ўташ даврида хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ярадор, майиб бўлиш, контузияга учраш ёки касал бўлиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматга мажбурлар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 30 октябрдаги 223-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўзгартириш киритилаётган ҳамда ўз кучини йўқотаётган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 296-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 54-модда) билан тасдиқланган Нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг чекланган устамаларини шакллантириш тўғрисидаги низомнинг 9-банди биринчи хатбошининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бунда Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказилиши керак бўлган сумма автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисми учун фуқароларнинг айрим тоифаларига пул компенсацияси тўлайдиган органлар ҳисобига ўтказилган пул маблағлари суммасига камайтирилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Энергия ресурслари нархларини давлат томонидан бошқариш тўғрисида» 1992 йил 16 октябрдаги 474-сон қарорининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи ва энергия учун чекланган улгуржи ва чакана нархларнинг ўзгариши тўғрисида» 1993 йил 27 майдаги 258-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**430** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинган «Микромолиялаш тўғрисида»ги ЎРҚ—50-сонли Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинган «Микромолиялаш тўғрисида»ги ЎРҚ—50-сонли Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 25-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 30 августдаги 309-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 31 октябрь,  
225-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 31 октябрдаги 225-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик  
тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини  
рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»  
2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомда (2-илова);

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Якка тартибдаги тадбиркорларга, деҳқон ва фермер хўжаликларига, шунингдек кичик тадбиркорликнинг бошқа субъектларига тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан микрокредит бериш «Микромолиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, шунингдек тижорат банклари томонидан белгиланадиган микромолиявий хизматлар кўрсатиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади»;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Имтиёзли кредит бериш жамғармаси маблағлари ҳисобидан микрокредитлар ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ белгиланадиган фоиз ставкаси бўйича берилди, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан бериладиган микрокредитлар бундан мустасно»;

19-банднинг биринчи хатбошидаги «муомаладан чиқарилган, гаров предмети бўла оладиган буюмлар бундан мустасно» сўзлари «(муомаладан чиқарилган буюмлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ гаров предмети бўла олмайдиган бошқа мол-мулк ва/ёки мулк хуқуқлар (талаблар) бундан мустасно)»

28-банднинг учинчи хатбошидаги «календарь бўйича навбатли тартибда» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган навбатли тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом (3-илова) 2-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Тижорат банклари Имтиёзли кредит бериш жамғармасини деҳқон ва фермер хўжаликларига, товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш билан банд бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига, шунингдек юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредит ва микрокредитлар бериш учун ташкил этади».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**431** **Бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш бўйича вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
25 октябрда 1600-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 4 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджети ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) 18-бандига асосан **бюраман:**

1. «Бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш бўйича вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 27 июндаги 59-сон буйруғига (2006 йил 24 июль, рўйхат рақами 1600 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 297-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 18 октябрь,  
89-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**432** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил  
12 октябрдаги ПФ–3808-сонли «2006 йилнинг 1 нояб-  
ридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий  
нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича  
пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқ-  
номани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
27 октябрда 1632-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 6 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ–3808-сонли «2006 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ–3808-сонли «2006 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 117 ва 55 сонли, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ–3761-сонли «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (2006 йил 19 июнь, рўйхат рақами 1585 — Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 25-26-сон, 240-модда) 2006 йил 1 ноябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 10 кундан кейин кучга киритилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б. А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 26 октябрь,  
М-1-сон

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 26 октябрь,  
93-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**433** Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 27 октябрда 1121-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 6 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 25 мартдаги 47, 10-1-48, 2002-33-сонли қарори билан тасдиқланган «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги низом (2002 йил 11 апрель, рўйхат рақами 1121 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 7-сон)га иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгандан кейин ўн кун муддат ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 сентябрь,  
83-сон

**Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг раиси Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 сентябрь,  
01/12-18/02-сон

**Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 сентябрь,  
2006-42-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**434** Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартибида рўйхатга олувчи органлар ва давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
31 октябрда 1633-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 10 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида», «Давлат статистикаси тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 174-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартибида рўйхатга олувчи органлар ва давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисидаги Йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 29 сентябрь,  
2006-40-сон

**Давлат статистика қўмитаси раиси Ф. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 29 сентябрь,  
6-сон

Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2006 йил 29 сентябрдаги 2006-40, 6-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартибида рўйхатга олувчи органлар ва давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида», «Давлат статистикаси тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-357-сон қарорига асосан, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда — рўйхатдан ўтказувчи органлар), давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**тадбиркорлик субъектлари** — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар.

**корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи (кейинги ўринларда — КТУТ) хос рақамлари квотаси** — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга мустақил бериш учун ажратилган хос рақамлар квотаси.

**электрон ҳужжат айланиши** — электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндиси.

**II. Давлат статистика органи томонидан рўйхатдан ўтказувчи органларга КТУТ хос рақамлари квотасини ажратиш тартиби**

2. Рўйхатга олувчи орган КТУТ хос рақамларининг тегишли квотасидан КТУТ хос рақамини беради. КТУТ хос рақамлари квотаси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан рўйхатга олувчи органга мустақил равишда бериш учун ажратилган КТУТ хос рақамларининг миқдоридан иборатдир. КТУТ хос рақамлари квотаси ҳар бир рўйхатга олувчи органга ҳар ойнинг 5 санасидан кечиктирмай узлуксиз равишда тақдим этилади (мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasи).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳар ойда КТУТ захира хос рақамларининг зарур миқдорини шакллантиради ва рўйхатга олувчи органларга электрон шаклда тақдим этади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари электрон почта ёки факсимил алоқа орқали КТУТ хос рақамларини: адлия органлари рўйхатга оладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармаларига; туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда — Инспекция) рўйхатга оладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича — туман (шаҳар) давлат статистика бўлимларига тақдим этадилар.

5. КТУТ хос рақамлари квотаси ҳар бир рўйхатга олувчи органда бир ойда давлат рўйхатидан ўтказилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг ўртача сонидан келиб чиқиб ажратилади.

6. Рўйхатга олувчи органларда КТУТ хос рақамларининг етарли миқдордан камайиб кетишига йўл қўйилмайди.

Кейинги ойнинг 5 санасигача рўйхатга олувчи органларга ажратилган КТУТ хос рақамлари квотаси етарли бўлмаса, рўйхатга олувчи орган олдиндан тегишли ҳудудий статистика органига белгиланган шаклда сўровнома билан мурожаат қилади (мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasи).

Сўровномани олган давлат статистика органи икки иш куни ичида керакли миқдордаги қўшимча КТУТ хос рақамларини рўйхатга олувчи органга ажратиб бериши шарт.

7. КТУТ хос рақами рўйхатга олувчи органлар томонидан қатъий кетма-кетлик билан берилади. КТУТ хос рақамининг тўғри берилиши учун рўйхатга олувчи органлар жавобгардир.

8. Юридик шахсга рўйхатга олиш вақтида берилган КТУТ хос рақами бошқа юридик шахсга қайтадан берилишига йўл қўйилмайди (юридик шахс белгиланган тартибда тугатилган тақдирда ҳам).

Юридик шахс такроран рўйхатдан ўтганда, унинг асосий фаолият тури, мулкчилик шакли, ташкилий ҳуқуқий шакли, номланиши, юридик манзили, таъсисчилар таркиби, низом жамғармаси, идоравий мансублиги ўзгарганда КТУТ хос рақами ўзгартирилмайди.

9. Давлат статистика органлари рўйхатга олувчи орган томонидан берилган КТУТ хос рақамларининг улар томонидан ажратилган хос рақамларга мос келишини текширади.

Хатолар аниқланган тақдирда, бир иш куни давомида электрон почта ёки факсимил алоқа орқали тегишли рўйхатга олувчи орган хабардор қилинади.

10. Рўйхатга олувчи орган, тегишли хабарномани олгандан сўнг бир иш куни давомида Юридик шахсларнинг Давлат реестрига ўзгартириш киритиб, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақида янги гувоҳнома расмийлаштириб, бу ҳақда тадбиркорлик субъектини хабардор қилади ва унга янги гувоҳнома беради.

Берилган янги гувоҳнома учун давлат божи ундирилмайди.

### **III. Тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловчилар идентификация рақамларини бериш тартиби**

11. Солиқ тўловчилар идентификация рақамларини (кейинги ўринларда — СТИР) бериш қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг идентификация рақамлари ягона реестрини шакллантириш;

солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни тартибга солиш;

солиқларнинг бюджетга тушишини ҳисобга олиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича маълумотларни компьютерда ишлашни жорий этиш;

солиқ қонунчилигига риоя этилиши бўйича ахборотларнинг яхлитлиги ва ишончилиги кўп томонлама текширилиши ва назорат қилинишини ташкил этиш;

давлат солиқ хизмати органлари билан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, тижорат банклари ва молиявий, шунингдек кўчар ва кўчмас мулк бўйича операцияларни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар ўртасида ахборот айирбошлашни бирхиллаштириш;

ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан жисмоний шахслар томонидан даромадлар, тўланган солиқлар, ижтимоий ва бошқа суғурталар бўйича давлат жамғармаларига тўловларни ҳисобга олишни бирхиллаштириш.

12. Юридик шахсларга КТУТ хос рақами берилганидан кейин, рўйхатдан ўтказувчи орган электрон почта алоқаси орқали юридик шахс томонидан аризада кўрсатилган почта манзилидаги давлат солиқ хизмати органларига СТИР бериш учун белгиланган шаклда ушбу орган мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган сўровнома юборди (мазкур Йўриқноманинг 3-илоvasи).

13. Рўйхатдан ўтказувчи орган якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон ҳўжаликлари учун электрон почта алоқаси орқали жисмоний шахснинг паспорти бўйича турар жой манзилидаги давлат солиқ хизмати органига СТИР бериш учун белгиланган шаклда ушбу орган мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган сўровнома юборди (мазкур Йўриқноманинг 4-илоvasи).

— Электрон почта алоқаси мавжуд бўлмаган ҳолларда СТИР бериш учун сўровнома факсимил алоқа орқали юборилади. Бунда СТИР бериш ва уни рўйхатдан ўтказувчи органга юбориш вақти саккиз иш соатидан ошмаслиги лозим. +

14. Давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тадбиркорлик субъектларига СТИР бериш учун юборилган сўровноманинг белгиланган шаклда мос келмаслигини ёки хато ва камчиликлар билан тўлдирилганлигини аниқласа, рўйхатдан ўтказувчи органга ушбу сўровномани қайта ишлаш учун бир иш соати ичида юборди.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қайта ишлаш учун юборилган сўровномадаги камчиликларни тузатиш учун кетган вақт давлат солиқ хизмати органи томонидан СТИР бериш учун белгиланган саккиз иш соатига кирмайди. Сўровномадаги камчиликлар тузатилиб, давлат солиқ хизмати органига қайта юборилганда, янгидан юборилган сўровнома деб ҳисобланади.

15. Рўйхатдан ўтказувчи органдан электрон почта ёки факсимил алоқа орқали сўровномаларнинг келган вақтини қайд этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органларининг тегишли бўлимларида мазкур Йўриқноманинг 7-8-иловаларида кўрсатилган шаклдаги «Юридик шахсларга СТИР бериш ва уларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олишни мониторинг қилиш» ва «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон ҳўжалигига СТИР бериш ва уларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олишни мониторинг қилиш» журналлар юритилади.

Журналлар тикилган, рақамланган, санаси кўрсатилиб, мансабдор шахснинг имзоси билан тасдиқланган ҳамда муҳрланган бўлиши лозим.

16. Рўйхатдан ўтказувчи ҳамда давлат солиқ хизмати органларида техник талабларга жавоб берадиган компьютер ва факс ўрнатилган бўлиши лозим.

Тадбиркорлик субъектларига СТИР бериш учун юборилган сўровнома давлат

солиқ хизмати органларининг тегишли бўлинмасида алоҳида электрон манзилга эга бўлган компьютерда қабул қилиб олинади.

Электрон ҳужжатларда тақдим этилаётган сўровномалардаги маълумотларнинг химоясини таъминлаш мақсадида, электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари томонидан криптография химоя воситалари қўлланилади.

17. Давлат солиқ хизмати органлари белгиланган шакллардаги сўровномаларни қабул қилиб олгач, аниқ вақт режимида солиқ тўловчиларнинг идентификацион рақамлари марказлаштирилган базаси орқали тадбиркорлик субъектига СТИР беради.

18. Тадбиркорлик субъектларига СТИР берилгандан кейин, давлат солиқ хизмати органлари рўйхатдан ўтказувчи органларга тадбиркорлик субъектига СТИР берилганлиги тўғрисидаги маълумотномани электрон почта орқали юборади (мазкур Йўриқноманинг 5 ва 6-иловалари).

Электрон почта алоқаси бўлмаган тақдирда СТИР берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома факсимил алоқа орқали юборилади.

#### **IV. Тадбиркорлик субъектларини давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларида ҳисобга олиш**

19. Рўйхатдан ўтказувчи органлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида тадбиркорлик субъектлари жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларига расмий равишда мазкур Йўриқноманинг 9-иловасида белгиланган шаклда маълумотнома ҳамда ариза-хабарнома нусхасини юборади.

20. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мазкур Йўриқноманинг 20-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олингандан сўнг, икки иш куни мобайнида юридик шахсни, яқка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини ҳисобга олади. Шу билан бир вақтда, уларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Республика йўл жамғармасига тўловлар тўловчилари сифатида (тегишли жамғармаларга тўловчилар ҳисобланган субъектлар учун) ҳисобга қўядилар.

#### **V. Тадбиркорлик субъектининг таъсис ҳужжатлари ҳамда Ягона давлат реестрига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни қайта ҳисобга олиш**

21. Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 7 иш куни мобайнида, почта ёки юридик манзили ўзгарган тақдирда — ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олгандан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида белгиланган шаклда тадбиркорлик субъекти аввал жойлашган ҳамда янги манзил бўйича жойлашган давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларини хабардор қилади.

Тадбиркорлик субъектини илгари ҳисобга олган тегишли давлат солиқ хизмати органи ушбу хабарномани олгандан сўнг, икки иш куни давомида тадбиркорлик субъектига тегишли барча маълумотларни янги манзил бўйича жойлашган давлат

солиқ хизмати ва давлат статистика органларига юборди (мазкур Йўриқноманинг 10-илоvasи).

22. Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат реестрига ўзгартириш киритишга олиб келувчи тадбиркорлик субъекти — юридик шахснинг асосий фаолият тури ва унда ишловчиларнинг ўртача йиллик сони ўзгарса, давлат статистика органлари тадбиркорлик субъектларини жалб қилмаган ҳолда қонунчиликка мувофиқ тақдим қилинадиган йиллик статистик ҳисоботлар асосида тегишли ўзгартиришлар киритади ва бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни, давлат солиқ хизмати органларини ҳамда тадбиркорлик субъектини хабардор қилади (мазкур Йўриқноманинг 11-илоvasи).

23. Якка тартибдаги тадбиркор унга берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилган фаолият жойи ўзгарган тақдирда, ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Рўйхатдан ўтказувчи орган хабарномани олган кундан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ва давлат солиқ хизмати органлари ушбу ўзгариш ҳақида хабарни олгандан кейин, уч кун муддатда якка тартибдаги тадбиркорни улар томонидан рўйхатга ва ҳисобга олиш ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган якка тартибдаги тадбиркорга хабар билан бирга ўзгарган фаолият жойини кўрсатган ҳолда янги гувоҳнома бериши шарт. Ушбу ҳолатда дастлабки гувоҳнома олиб қўйилади.

Янги гувоҳнома берилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

24. Рўйхатдан ўтказувчи органлар йилнинг ҳар чорагида рўйхатдан ўтказилган ва ҳисобга қўйилган тадбиркорлик субъектлари сонини давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органлари билан солиштиради.

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

25. Мазкур Йўриқнома бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## VII. Яқуний қоида

26. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А. ИЗБОСАРОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 28 сентябрь,

ЙЎРИҚНОМАГА  
1-ИЛОВА

**КТУТ захира хос рақамлари**

\_\_\_\_\_ рўйхатга олувчи органига  
\_\_\_\_\_ та \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача варақлардан  
\_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача хос рақамлар

00010004

00010990

+

-

\_\_\_\_\_  
Давлат статистика органи  
номи

мансаби \_\_\_\_\_

имзо \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

Йўриқномага  
2-ИЛОВА

Давлат статистика органи номи \_\_\_\_\_

**С Ў Р О В Н О М А**

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) рўйхатга оловчи

органи Сиздан тадбиркорлик субъектларига бериш учун \_\_\_\_та

КТУТ захира хос рақами ажратишингизни сўрайди.

—

+

Рўйхатга оловчи  
орган раҳбари \_\_\_\_\_

ИМЗО (Ф.И.Ш.)

Йўриқномага  
3-ИЛОВА

3-шакл

**Юридик шахсларга идентификация рақамини  
берилиши тўғрисида  
СЎРОВНОМА**

Босма ҳарфлар билан тўлдирилади	
01. Тўлиқ номи:	
02. Қисқача номи:	
МАНЗИЛИ	03. Почта индекси:
04. Вилоят, Тошкент ш., Қорақалпоғистон Респ.:	
05. Туман:	
06. Шаҳар, қишлоқ, мавзе:	
07. Кўча:	
08. Уй, корпус, блок / хона/	
09. Телефон:	10. Телекс:
12. Асосий фаолият тури:	11. Факс:
13. Мулкчилик шакли:	
14. Мавқеи:	
15. Бош корхонанинг СТИРи (агар мавжуд бўлса):	
16. Код ОКНО:	17. Код ОКОНХ:

Юборилган сана ва соат

Рўйхатга олувчи орган масъул ходимнинг Ф.И.Ш.

Йўриқномага  
4-ИЛОВА

За-шакл

**Якка тадбиркор ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган  
деҳқон хўжаликларига солиқ тўловчининг идентификация  
рақамини берилиши тўғрисида  
С Ў Р О В Н О М А**

Босма ҳарфлар билан тўлдирилади	
01. Фамилияси:	
02. Исми:	
03. Отасининг исми:	
04. Туғилган куни (кун, ой, йил):	
05. Туғилган жойи:	
МАНЗИЛИ	
06. Почта индекси:	
07. Вилоят, Тошкент ш, Қорақалпоғистон Респ;	
08. Туман:	
09. Шаҳар , қишлоқ, мавзе:	
10. Кўча:	
11. Уй, корпус, блок :	12. Хонадон:
13. Телефон:	
ҲУЖЖАТ	15. Рақами:
14. Серияси:	
16. Ким томонидан берилган:	
17. Қачон берилган (кун, ой, йил):	18. Жинси: Эркак: Аёл:
19. Муддати (кун, ой, йил):	
20. Фуқаролиги: Ўз.Респ. Фуқ.	Чет эл фуқароси: Фуқаролиги йўқ:
21. Фуқаролик юрти:	
22. Фуқаронинг шахсий рақами (паспорт бўйича):	
23. Фаолият тури:	

Юборилган сана ва соат

Рўйхатга олувчи орган масъул ходимининг Ф.И.Ш.

Йўриқномага  
5-ИЛОВА**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**Солиқ тўловчининг Давлат солиқ қўмитасида идентификация рақами  
берилганлиги тўғрисида  
**МАЪЛУМОТНОМА****СПРАВКА**в Государственном налоговом комитете присвоен  
идентификационный номер налогоплательщику**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЮРИДИК ШАХС  
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК — ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО:**

Тўлиқ номи: \_\_\_\_\_

(Полное наименование)

Қисқача номи \_\_\_\_\_

(краткое наименование)

Давлат солиқ қўмитасида унга қўйидаги идентификация рақами берилган  
в Государственном налоговом комитете ему присвоен идентификационный но-  
мер:СТИР 

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Сана 

			/			/		
--	--	--	---	--	--	---	--	--

туман солиқ инспекцияси номи \_\_\_\_\_  
(наименование районной инспекции)ДСИ бошлиғи \_\_\_\_\_  
Начальник ГНИ фамилияси (Ф.И.О.) имзо(подпись)Мухр  
(Печать)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

Солиқ тўловчининг Давлат солиқ қўмитасида идентификация  
рақами берилганлиги тўғрисида

**МАЪЛУМОТНОМА**

**СПРАВКА**

в Государственном налоговом комитете присвоен идентификационный  
номер налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЖИСМОНИЙ ШАХС :  
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК — ФИЗИЧЕСКОЕ ЛИЦО:

Фамилияси: \_\_\_\_\_

(Фамилия)

Исми: \_\_\_\_\_

(Имя)

Отасининг исми: \_\_\_\_\_

(Отчество)

Давлат Солиқ қўмитасида унга қўйидаги идентификация рақами берилди  
(в Государственном налоговом комитете ему присвоен идентификационный  
номер):

СТИР 

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Сана 

		/			/		
--	--	---	--	--	---	--	--

туман солиқ инспекцияси номи \_\_\_\_\_  
(наименование районной инспекции)

ДСИ бошлиғи \_\_\_\_\_  
Начальник ГНИ фамилия (Ф.И.О.) имзо(подпись)

Мухр  
(Печать)

+

Йўриқномага  
7-ИЛОВА

**Юридик шахсларга СТИР бериш ва уларни давлат солиқ хизмати органларида  
ҳисобга олишни мониторинг қилиш  
ЖУРНАЛИ**

№	Юридик шахс номи	Сўровноманинг узатилган		Сўровнома юбориш шакли		Сўровномани қайта ишлаш учун қайтарилган сана, вақти ва сабаби	Тадбиркорлик субъектига СТИР бериш учун ДСҚга юборилган санаси ва вақти	ДСҚ томонидан СТИР берилди		Рўйхатга олувчи органга Маълумотнома юборилган сана ва вақт	Белгиланган 8 иш соатидан ортиқ муддатда СТИР беришнинг сабаби
		рақами	санаси ва вақти	Электрон ҳужжат	факсимил			СТИР рақами	вақти ва санаси		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Йўриқномага  
8-ИЛОВА

434-модда

**Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигига СТИР бериш ва уларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга олишни мониторинг қилиш  
ЖУРНАЛИ**

№	Жисмоний шахс номи	Сўровноманинг узатилган		Сўровнома юбориш шакли		Сўровномани қайта ишлаш учун қайтарилган сана, вақти ва сабаби	Тадбиркорлик субъектига СТИР бериш учун ДСҚга юборилган санаи ва вақти	ДСҚ томонидан СТИР берилди		Рўйхатга оловчи органга Маълумотнома юборилган сана ва вақт	Белгиланган 8 иш соатидан ортиқ муддатда СТИР беришнинг сабаби
		рақами	санаи ва вақти	Электрон хужжат	факсимил			СТИР рақами	вақти ва санаи		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

— 36 —

43-44 (231-232)-сон

Йўриқномага  
9-ИЛОВА

7-шакл

**Давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларига тақдим этиш учун зарур бўлган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Тадбиркорлик субъектининг номи, Ф.И.О.

Тўлиқ номи:
Қисқартирилган номи:

2. Почта манзили (туман, шаҳар, уй манзили)


3. Янгидан ташкил этилган  Қайта ташкил этиш йўли билан тузилган Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар 

4. Почта индекси: \_\_\_\_\_

5. Мулоқот телефонлари: \_\_\_\_\_

6. ТҲШ коди: \_\_\_\_\_

МШ коди: \_\_\_\_\_

МҲОБТ коди: \_\_\_\_\_

КТУТ коди: \_\_\_\_\_

ХХТУТ коди: \_\_\_\_\_

СТИР: \_\_\_\_\_

7. Муассислар тўғрисидаги маълумотлар:

Муассислари (номи, мамлакати, Ф.И.Ш. паспорт маълумотлари)	Муассисларнинг устав фондидаги улуши		
	Минг сўм ҳисобида	Минг АҚШ доллари ҳисобида	Ҳоизлар ҳисобида, %
ЖАМИ устав фонди			

8. Рўйхат бўйича тахминий сони: \_\_\_\_\_ киши.

9. Рўйхатга олувчи орган номи: \_\_\_\_\_

10. Рўйхатдан ўтказилди \_\_\_\_\_ (рақами) \_\_\_\_\_ (сана)

11. Фаолиятни амалга оширадиган жой:

(юридик шахс бўлмастан ташкил этилган деҳдон ҳўжаликлари учун ажратилаётган ер майдони жойи ва саҳи кўрсатилади)

12. Фаолиятни амалга ошириш муддати:

Рўйхатга олувчи орган мансабдор шахсининг Ф.И.Ш.

Имзо \_\_\_\_\_ М.Ў.

Йўриқномага  
10-ИЛОВА

**Рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектининг почта ва юридик манзилгоҳи (тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларини фаолияти ва уни амалга ошириш жойи) ўзгарганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларига тақдим этиладиган  
МАЪЛУМОТ**

1. Тадбиркорлик субъектининг номи, Ф.И.О\*:

Тўлиқ номи:
Қисқартирилган номи:

2. Почта манзили (туман, шаҳар, уй манзили)


3. Почта индекси: \_\_\_\_\_

4. Мулоқот телефонлари: \_\_\_\_\_

5. Рўйхатга олувчи орган номи: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

6. Рўйхатдан ўтказилди \_\_\_\_\_ (рақами) \_\_\_\_\_ (сана)

7. Фаолиятни амалга оширадиган жой\*:

\_\_\_\_\_

(юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари учун ажратилаётган ер майдони жойи ва саҳи кўрсатилади)

8. Фаолиятни амалга ошириш муддати:

\_\_\_\_\_

9. Рўйхатга олувчи орган мансабдор шахсининг Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_ М.Ў.

\* ) Якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари.

Йўриқномага  
11-ИЛОВА

Туман (шаҳар)  
тадбиркорлик субъектларини  
рўйхатдан ўтказиш инспекциясига

Туман (шаҳар)  
давлат солиқ инспекциясига  
Тадбиркорлик субъектига

Тадбиркорлик субъектларининг фаолият тури ва ўртача йиллик ишловчилар сони  
корхона ва ташкилотлар Ягона давлат реестрида ўзгарганлиги тўғрисида

\_\_\_йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ - сонли **Х А Б А Р Н О М А**

Тадбиркорлик субъекти (юридик шахс)

Хос рақами КТУТ (ОКПО)

ХХТУТ (ОКОНХ) бўйича \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_га ўзгартирилди.

Тадбиркорлик субъектининг ўртача йиллик ишловчилар сони \_\_\_\_\_йил якуни

бўйича \_\_\_\_\_ кишини ташкил қилди.

Хос рақамлар УТИМК  
берилишини текширди

Раҳбар  
М.Ў.

\_\_\_\_\_

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**435** Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона худудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
31 октябрда 1634-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 10 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 августдаги 398-сонли «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг товарларни қайта ишлаш билан боғлиқ қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-бандини ижро этиш мақсадида (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 33-сон (371-модда) август), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона худидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо  
вазирли Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 1 август,  
ЭГ-01/10-4091-сон

**Иқтисодиёт вазири Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 1 август,  
3-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,  
2006 йил 1 август,  
70-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,  
2006 йил 1 август,  
01-02/12-11-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **436** Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
31 октябрда 1635-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 10 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17 ва 50-моддалари ҳамда «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 12 ва 15-моддаларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 октябрь,  
24/4-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOHOПOЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚOБAТ BA  
TADБИPКОPЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДAВЛAТ ҚЎМИTACИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MАPКAZИЙ БAНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАPОРИ

**437** Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисоб-  
варағининг ишлаш тартиби тўғрисида низомни тас-  
диқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
3 ноябрда 1636-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 13 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 32-мод-  
даси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июл-  
даги 362-сонли қарори билан тасдиқланган «Судгача санациядан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низом»нинг 10-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополия-  
дан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва  
Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағини ишлаш тарти-  
би тўғрисида низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан  
ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б. Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 июль,  
2-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 июль,  
276-В-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**438** Коммунал хизматларга тарифларни шакллантириш-  
да харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабеллик-  
нинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга  
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
3 ноябрда 1566-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 13 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 августдаги ПҚ-445-сонли «Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш ва коммунал хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 34-35-сон, 340-модда) қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 14 мартдаги 31, 1, 02-317-сонли қарори билан тасдиқланган «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низом»га (2006 йил 1 май, рўйхат рақами 1566) иловага\* асосан ўзгартириш киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 2 октябрь,  
86-сон

**Иқтисодиёт вазири Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 2 октябрь,  
11-сон

**«Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори У. ХОЛМУХАМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 2 октябрь,  
1072-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2006 йил 21 октябрдан 3 ноябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Бюджет маблағлари тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш бўйича вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 18 октябрдаги 89-сонли буйруғи.*

*2006 йил 25 октябрда 1600-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 4 ноябрдан кучга киради).*

2. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ-3808-сонли «2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2006 йил 26 октябрдаги М-1, 93-сон қарори.*

*2006 йил 27 октябрда 1632-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 6 ноябрдан кучга киради).*

3. «Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 25 сентябрдаги 83, 01/12-18/02, 2006-42 -сонли қарори.*

*2006 йил 27 октябрда 1121-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 6 ноябрдан кучга киради).*

4. «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартибида рўйхатга олувчи органлар ва давлат солиқ хизмати ҳамда давлат статистика органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2006 йил 29 сентябрдаги 2006-40, 6-сонли қарори.*

*2006 йил 31 октябрда 1633-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 10 ноябрдан кучга киради).*

5. «Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт*

вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 1 августдаги ЭГ-01/10-4091, 3, 70, 01-02/12-11-сон қарори.

**2006 йил 31 октябрда 1634-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 10 ноябрдан кучга киради).**

6. «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/4-сонли қарори.*

**2006 йил 31 октябрда 1635-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 10 ноябрдан кучга киради).**

7. «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 7 июлдаги 2, 276-В-сонли қарори.*

**2006 йил 3 ноябрда 1636-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 ноябрдан кучга киради).**

8. «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 2 октябрдаги 86, 11, 1072-сонли қарори.

**2006 йил 3 ноябрда 1566-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 13 ноябрдан кучга киради).**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ-3761-сонли «2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома». *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1585, 19.06.2006 й).*

**Адлия вазирининг 2006 йил 27 октябрдаги 176-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. «Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1630, 14.10.2006 й).*

**Адлия вазирининг 2006 йил 3 ноябрдаги 183-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## **III. Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:**

1. Чиқиндиларни тўплаш (қўмиш) учун рухсатнома бериш тартиби (РД-11800027719.1-91). (*Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган*).

2. Атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш учун рухсатнома бериш тартиби (РД-118.0027714.32-94) (*Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган*).

3. Махсус сувдан фойдаланиш учун келишиш ва рухсатнома бериш тартиби (РД 118.0027714.6-92). (*Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган*).

**Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳужжатлар сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.**